International

scientific and practical conference

DECEMBER 6
2024

2024



STDF

Science technology& Digital finance

Google Scholar

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JIZZAKH BRANCH OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK

Scientific journal of Science technology & Digital finance

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic

(December 6, 2024)

(Part 1)

Jizzakh-2024

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic – Jizzahk: Department of economics and tourism of Jizzakh branch of the national university of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, December 6, 2024, 450 pp.

Editors in charge: DSc.prof. Turakulov O.X., PhD. O'ralov A.I.

In the collection of materials of the conference, the role and role of Science, Education and production in the era of globalization, the pressing problems of the issues of interaction of these processes, feedback on their solutions were presented by mature specialists of the field.

In addition, research on the scientific and practical topic, carried out in the economics, Exact Sciences, Natural Sciences and socio-humanities during the globalization period, information is presented in the scientific and practical fields, which includes the latest innovative technologies in the fields of production.

It can be argued that this collection is one of the specific intersections of current thoughts and innovative ideas of the world of science. This scientific and practical conference was actively attended by professors and scientific researchers engaged in scientific research in Uzbekistan and foreign countries. In increasing the position of the scientific and practical conference, the professors and teachers of domestic and foreign higher educational institutions made a significant contribution.

Professors and teachers of foreign higher educational institutions who actively participated in the work of the conference made a worthy contribution to the high level of interaction with scientists of our country. The processes of international cooperation with foreign countries and exchange with them in the field of Science in the era of globalization have a positive effect on the development of Higher Education, the fields of Science and production. The materials of this conference are special in that they include a wide range of research, from theoretical developments to practical solutions, demonstrating the diversity of approaches and directions in this area.

In conclusion, it should be noted that this scientific and practical conference will be a very useful collection for everyone who is interested in modern research in the fields of further development of Higher Education, Science, Education and production in the era of globalization. The authors are responsible for the content and quality of the articles and abstracts included in the collection.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ



Ориф Шукуров
ЖДПУ мустақил изланувчиси
Комил Холмуродов
Мустақил изланувчи

Аннотация: Мақолада сўнгги йилларда барча соҳалар каби иқтисодиёт соҳасига ҳам ёшларни кенг жалб қилиш , бу борада қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар ва бу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш борасида ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қизиқишлари ва дунёқарашларидан келиб чиқиб касб-ҳунарга йўналтириш,тадбиркорликка кенг жалб этиш, “**Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”**да бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Ёшлар, иқтисодиёт, инвестицияларни жалб қилиш, ахоли даромадлари.

Ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил қилади.Шундай экан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишида ёшларнинг ҳам ўрни беқиёс ҳисобланади. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябридаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун эканида ҳам рамзий аҳамият касб этади. Бинобарин, аҳолисининг яримидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мақсадга интилувчан, ватанпарвар, серғайрат , садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий янада ривожланишига, дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили ҳисобланади.

Бу борада **“Ўзбекистон-2030” стратегиясининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”**да бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилиши ёшлар орасида бизнесни ривожлантириш, Бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида қуйидагилар режалаштирилганлиги ҳам Янги Ўзбекистон иқтисодиётини

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

ривожлантиришда ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан:

2024 йил 1 июлидан бошлаб нуфузли халқаро брендлар билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

- халқаро стандартларни жорий этиш ва экологик сертификатлаш харажатлари қоплаб берилади;

- нуфузли халқаро брендлар остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўлган барча хом ашёлар маҳаллийлаштириш даражасини камида 60 фоизга етказиш шарти билан божхона божидан озод этилади;

- нуфузли халқаро брендлардан жалб қилинган технолог, дизайнер, маркетолог каби мутахассислардан Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлиги учун тўловлар ундирилиши бекор қилинади;

- оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизини ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтириш;

- 2024 йил 1 июнидан бошлаб республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага БҲМнинг 1 000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилишини назарда тутувчи “Ёш тадбиркор” танловларини ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

-“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағларини ёшларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадларига йўналтириш;

- ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича “Устоз” махсус платформасини ишга тушириш, у орқали дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 250 минг нафар ёшлар қамраб олиниши таъминланади;

- ёш хотин-қизларни замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформасини ишга тушириш;

- “Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида 2024 йил якунига қадар комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали 2 млн аҳолини бизнесга жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратиш орқали 5 млн аҳолининг бандлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилиши белгилаб берилиб, ижрога қаратилганлиги ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғи ҳисобланади.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030”** стратегиясида бир қанча устувор вазифалар белгилаб олинди:

-Барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-ҳунарларга ўргатиш курсларини жорий этиш;

-Келгуси беш йилда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун 1 триллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш;

-Илмий, амалий, инновацион ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш бўйича йиллик танловлар сонини 20 тага етказиш;

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

-Ўзбекистон Глобал Инновацион Индексда Топ-50 талик мамлакатлар рўйхатига киришини таъминлаш;

- Ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида яратиладиган янги инновацион ишланмалар сонини 2 бараварга ошириш каби масалалар айнан таълимни ривожлантириш, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини асосий мақсадларга айлантириш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари хар бир маҳаллада маҳалла еттилиги ташкил этилиб,янги тизим яратиб берилди.Ушбу тизим ҳам Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий бўғини бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Хусусан, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш,аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилганлиги ҳам маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларни ўз-ўзини банд қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш, микро лойиҳалар ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва саноатни ривожлантириш орқали маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни беқиёсдир.Шундай экан ушбу йўналишда ёшлар ҳам ўз устида тинимсиз ишлаши, замон билан ҳамнафас равишда ўз стартап лойиҳаларини таклиф этиб,иқтисодиётимиз ривожи учун инвестицияларни жалб қилиш орқали Ўзбекистонни Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида амалга ошираётган сай-ҳаракатларига ҳисса қўшишлари ва Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга кўмакчи бўлишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси. ПФ-158-сон 11.09.2023
2. **Қуронов М. Миллий тарбия ва ёшлар.2016**
3. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.23 Фев. 2024 й.
4. Мирзиёев Ш .Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.2017 йил 19 сентябрь. Нью-Йорк шаҳри.

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024